



БИЗНЕСДА КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Раҳмонов Хушнуд Хосилжонович

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12177539>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-June 2024 yil

Ma'qullandi: 15- June 2024 yil

Nashr qilindi: 20- June 2024 yil

KEYWORDS

depozit siyosati, omonat, muddatli depozit, bank resurslari, depozit baza, bank aktivlari, bank foydasi, foiz stavka

ABSTRACT

Bugungi banklararo raqobat kurashi sharoitida tijorat banklarining depozit siyosati samaradorligini oshirish, uning bank resurs bazasini mustahkamlashdagi ahamiyatini yanada mustahkamlash har qanday tijorat bankining strategik maqsadlaridan biri hisoblanadi. Mazkur maqolada tijorat banklari depozit siyosatining shakllanishi, uning nazariy asoslari, banklarda resurslarni shakllantirishda depozit siyosatining o'rne kabi masalalar yoritilgan. Shuningdek, mamlakatimiz tijorat banklari resurs bazasi va unga xos bo'lgan tendensiyalar tahlil qilingan, tegishli xulosa va takliflar shakllantirilgan.


Бутун дунё бўйлаб тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг январь ойида «Жаҳон банки тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қарийб 4,8 млн. АҚШ долларига тенг кредитларни дунёнинг 47 давлатига 61 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратди». тадбиркорлик субъектларини халқаро молия ташкилотлари ва тижорат банклари томонидан қўллаб – қувватлаб келинишига қарамай, тадбиркорлик субъектлари йирик компанияларга қараганда, кўпроқ молиявий тўсиқларга дуч келмоқдалар. Халқаро тажрибаларнинг кўрсатишича, улар кредитлашда тижорат банклари ва кредит уюшмалари анъанавий тарзда кредитлаш усулларида фойдаланиб келмоқда. Жаҳон банки томонидан «45 та давлатнинг 91 та тижорат банкларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, тадбиркорлик субъекти – банк учун фойдали мижоз эканлиги маълум бўлди, лекин ривожланаётган мамлакатларда макроиқтисодий беқарорлик ва тадбиркорлик субъектларини ривожланган мамлакатларнинг тадбиркорлик субъектлари билан таққослаганда асосий муаммолардан бири бўлиб, уларни молиялаштириш кўзга ташланмоқда».

Ўзбекистонда ҳам тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. «...Республикамиз банк-молия тизимини ислоҳ қилиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ролини ошириш имконини берди. Шу билан бирга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижорат

банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончли институционал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш вазифалари долзарб бўлиб қолмоқда» (Ш.Мирзиёев 2017).

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг фаол таркибий субъекти ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барқарор ривожланиши банк тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, унда тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган инновацион комплекс банк хизматлари, шу жумладан, инновацион кредитлаш хизматларини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқишни тақозо этади. Хусусан, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 55-60 фоизи давлат дастурлари асосида берилаётганлиги, имтиёзли кредитлар улушининг кўплиги, банклар депозит базасининг барқарор эмаслиги, инфляция рискининг юқори эканлиги бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш зарурати ва аҳамиятини оширади ҳамда ушбу йўналишда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши юзасидан тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак. 2021 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот 580,2 трлн. сўмни ташкил қилди ва 2020 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 11,8 фоиз ўсишга эришган. 2020 йилда эса ялпи ички маҳсулоти 511,8 трлн. сўмни ташкил қилди ва 2019 йил билан қиёслаганда 25,8 фоиз ўсишга эришган. 2014-2020 йилларда, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ва тижорат банклари кредитларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлди. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми олдинги йилларга нисбатан 26,3 фоизга ошиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига 211,5 трлн. сўмга етди, кредитларнинг ЯИМга нисбатан ўсиш даражаси 41,3 фоизни ташкил этди. Бундан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин, мамлакатимизда ҳақиқатдан бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёйиб, пулга бўлган талаб ошмоқда ва бу кредит билан таъминланиш даражасининг ошиб бораётганлигидан далолат беради. Аммо кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси олдинги йилларга нисбатан бор йўғи 0,1 фоизга ошганлиги бу мамлакатда реал секторга ажратилаётган кредитларнинг етарли даражада эмаслигини кўрсатиб турибди (5-расм).



5-расм. Мамлакатда ялпи ички махсулот ва тижорат банклари кредит қўйилмаларининг миқдори ва улуши

Манба: [хттпс://стат.уз/уз/](https://stat.uz/uz/) ва [хттп://сбу.уз/уз/](https://сбу.уз/уз/) - Ўзбекистон Республикаси расмий сайт маълумотларидан фойдаланилди. (Муаллиф томонидан тайёрланди)

Ўзбекистонда охириги 10 йилликда кредитлар ҳажми 35 маротаба, банк активлари эса 23 маротабадан кўпроққа ошганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, 2017-2019 йиллар мобайнида тижорат банклари активлари ва кредитларнинг ўсиш суръатлари юқори бўлган, айниқса 2017 йил октябрь ойида бу кўрсаткич сезиларли даражада ошган. Бунинг асосий сабаби охириги йилларда банк тизимига алоқадор бўлган қатор меъерий ҳужжатларни қабул қилинишидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3272-сонли қарори, 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли қарорлари банкларнинг молиявий кўрсаткичларини ошириш имконини берди.

2020 йилнинг 10 апрель куни “Фитч Ратингс” халқаро рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, мамлакатимиз суверен кредит рейтинги “BB-” (“Барқарор” прогнози) даражасида сақлаб қолди.

«Фитч Ратингс»нинг таъкидлашича, COVID-19 пандемияси туфайли юзага келган глобал инқироз шароитларида Ўзбекистон рейтингининг сақлаб қолинишига асосий омиллар мамлакатимизда мустаҳкам ташқи ва фискал захираларнинг мавжудлиги, диверсификацияланган товарлар экспорти базаси ҳамда ташқи молиявий манбалардан фойдаланиш имкониятлари ҳисобланади.

Фикримизча, мазкур омиллар Ўзбекистонда глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чораларни молиялаштириш, иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш ҳамда жорий операциялар ҳисоби дефицитининг юқорилиги ва давлат қарзининг ошиши билан боғлиқ қисқа муддатли хатарларни юмшатишга хизмат қилади. Пандемияга қарши курашишда,

аҳоли бандлиги, ижтимоий тўловларнинг амалга оширилиши, иқтисодий ва инвестициявий фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши кураш жамғармасининг (1 млрд. АҚШ доллари ҳажмида) ташкил этилганлиги ҳамда Ҳукумат томонидан мақсадли ва вақтинчалик солиқ имтиёзлари, тегишли секторларнинг кредит тўловларини кечиктириш имтиёзларининг (3 млрд. АҚШ доллари ҳажмида) тақдим этилиши алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари «Моодйъс» халқаро рейтинг агентлигининг 2020 йил 8 апрелда эълон қилинган ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси банк тизими прогнози «Барқарор» даражада сақлаб қолингани маълум қилинди. Бунда республика банк тизимининг МДХ мамлакатларига нисбатан Коронавирус пандемиясининг таъсирига бардошлироқ эканлиги асосий омил сифатида кўрсатилди¹.

Фикримизча, Ўзбекистонда давлат секторининг мамлакат иқтисодиёти ва банк тизимида салмоқли улушга эга эканлиги ва моддий захиралар яратганлиги коронавирус тарқалиши сабабли иқтисодий фаолиятнинг бузилиши банкларнинг активлари сифатига бўлган таъсирини чеклайди. Мустаҳкам моддий захиралар ва олдинги катта даромадлар иқтисодий шароитнинг ёмонлашуви натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

2012-2019 йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш дастурлари дорасида тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ва кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, барча манбалар ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит ресурслари ҳажми 2019 йилда 55430,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2012 йилга нисбатан 10,0 баробарга ошди (6-жадвал).

6-жадвал

Тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлари ҳажми, млрд. сўм

Йиллар	КБХТ маҳсулот ишлаб чиқариш ва кўрсатилган хизматлар, млрд. сўм	Жами кредит қўйилмалари, млрд. сўм	Тадбиркорликга ажратилган кредитлар, млрд. сўм
2012 й.	52881,82	20392,0	5346,0
2013 й.	65990,4	26530,0	6982,0
2014 й.	81382,3	34809,0	9158,0
2015 й.	97415,3	42685,0	12112,0
2016 й.	108996,4	53400,0	15870,1
2017 й.	139469,7	110600,0	19564,0
2018 й.	160545,4	167390,6	30648,0
2019 й.	176455,9	211580,5	55430,0

Манба: статистик ҳисобот (2015), статистик ҳисобот (2019), статистик бюлетень (2018), статистик ҳисобот (2019) маълумотлари асосида тузилди.

¹ Манба: <https://www.moodyanalytics.com/> маълумотларидан фойдаланилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1 Элмирзаев, С., & Маматов, Б. (2023). АКЦИЯЛАРНИ ОММАВИЙ ЖОЙЛАШТИРИШ АМАЛИЁТЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(3), 283-288.
- 2 Mamatov, B. (2022). ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ВА ХОРИЖИЙ КРЕДИТЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ САМАРАЖОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ. *Science and innovation*, 1(A8), 170-175.
- 3 Маматов, Б. Ш. Ў. (2022). ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ УСТАВ КАПИТАЛИДАГИ ДАВЛАТ УЛУШИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИККА ТАЪСИРИ. *Инновацион технологиялар*, 1(4 (48)), 109-112.

